O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 27 май, чоршанба • № 41 (11.024) • Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

1998/99 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ТЎҒРИСИДА

«Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан замонавий билимлар ва кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, умумий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини замонавий талабларга жавоб берадиган ўқитувчи ва педагог-муҳандислар билан таъминлаш ҳамда олий таълим муассасаларига қобилиятли ёшларни сифатли танлаб олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1998/99 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 42 минг, шу жумладан 21 минг давлат грантлари асосидаги қабул квоталари белгиланиб, улар Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасалари ҳамда таълим йўналишлари бўйича тақсимлансин.

Белгиланснки:

олий таълим муассасаларига ўрнатилган қабул режасининг 50 фоизи давлат грантлари ҳисобидан, қолган 50 фоизи тўлов-контракт асосида ташкил этилсин;

олий таълим муассасаларига қабул барча учун /ҳам грантлар, ҳам контракт бўйича/ тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари асосида амалга оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуқи таъминлансин;

қолган абитуриентлар тест баллари рейтинги асосида ўрнатилган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш ҳуқуқига эгадир.

2. Қабулни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ечиш учун Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг таркиби тасдиқлансин.

3. Давлат комиссияси Вазирлар Маҳкамасига:

Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги Низомга ушбу Қарор талаблари асосида тегишли ўзгартиришлар;

юридик ва жисмоний шахслардан тушган аризалар ва тест синовлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда, таълим муассасаларига ўрнатилган умумий қабул режаси доирасида, таълим йўналишлари ва қабул кўрсаткичлари бўйича зарур бўлган ўзгартиришлар тўғрисида таклифлар киритсин.

4. Олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирлик ва идоралар бир ҳафта муддатда ўзларига қарашли таълим муассасаларида грантларни ва тўлов-контракт асосидаги ўринлар квотасини таълим шакллари ва тиллари бўйича тақсимлаш тўғрисидаги таклифларни Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 1 июлдаги 332-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 25 май.

«ЭВЕРЕСТ» АЛЬПИНИСТЛАР ЭКСПЕДИЦИЯСИ АЪЗОЛАРИГА

Азиз ватандош альпинист - спортчилар!

Сизларнинг «Дунё томи» деб ном олган Эверестни забт этиб, ўзбек халқи номи ва байроғини Ер юзининг энг баланд чўққисига мангу муҳрлаганингиз ҳақидаги хушхабар менга катта мамнуният ва ғурур бағишлади.

Халқимиз ватанпарварлик жасоратингизни зўр ҳаяжон билан кузатиб турди ва ғалабангизни катта олқиш билан кутиб олди.

Юксак чўққи сари йўлингизда кўплаб мураккаб қийинчилик ва машаққатларни енгиб ўтганлигингизни биламиз. Сизнинг мақсад сари қатъият билан олға интилганлигингиз халқимиз табиатига хос бўлиб, бу — юртимиз руҳи ва иродасининг юксак намунасидир.

Ватанимиз довруғини дунёга таратган ушбу ғалабангиз Мустақиллигимизнинг етти йиллигига муносиб туҳфа бўлди.

Самога туташ чўққи узра қадалган байроғимиз бизнинг озодлик ва ободлигимиз тимсоли сифатида абадий ҳилпираб турсин!

Барчангизни она юртимизга соғ-омон қайтишингизни тилайман!

Омад сизларга ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ФУҚАРОЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Тошкент молия институтида Олий Мажлис ўн биринчи сессияси якунлари ва Президентимиз Ислом Каримов нутқидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

«Қонунлар фуқароларимиз манфаатига хизмат қилсин» мавзуидаги ушбу анжуманда институт ректори, академик М. Шарифхўжаев, Олий Мажлис халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э. Воҳидов сўзга чиқиб, сессияда қабул қилинган қонунларнинг ва давлатимиз раҳбари нутқида баён этилган қоида ва хулосаларнинг аҳамиятига тўхталди. Оила Кодексининг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни, аҳолини, айниқса ёшларни неча минг йиллик юксак қадриятларимиз ва урф-одатларимиз руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

(ЎзА)

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«БЕТГА АЙТГАННИНГ ЗАҲРИ ЙЎҚ», «БЕТГА АЙТГАННИНГ ЗАҲРИ БОР»

***ГАЗЕТАМИЗНИНГ** шу йил 10 январь ва 2 май сонларида юқоридаги сарлавҳалар остида танқидий мақолалар босилган эди. Уларда Бўка туманида аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасида юз берган жиддий камчиликлар очиб ташланганди.*

Газетхонда нега бир жойдан бир мавзуда иккита танқидий мақола босилди, дастлабки мақоланинг ўзи аҳволни ўнглаш учун етарли эмасмиди, деган савол туғилиши мумкин. Худди шундай. Биринчи мақолага туман ҳокимлигидан расмий жавоб келавермагач, мухбирларимиз қарийб беш ойдан сўнг мавзуга қайтишга мажбур бўлдилар. Иккинчи марта туманга борилганида ҳам аҳвол ўзгармаганлиги маълум бўлди.

...Ниҳоят, яқинда туман ҳокими Раҳимжон Обидовдан жавоб келди. Унда таъкидланишича, газетанинг 1998 йил 10 январь сонидаги «Бетга айтаннинг захри йўқ» ва 2 май сонидаги «Бетга айтаннинг захри бор» мақолалари ҳокимиятда барча корхона, ташкилот, хўжалик раҳбарлари, фуқаролар йиғинлари ва маҳалла қўмиталари раислари иштирокида ўтказилган йиғилишда атрофлича муҳокама қилинди.

Газетада ҳақиқатдан ҳам туманда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасида юз берган камчиликлар тўғри танқид қилинган.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида камчиликларга йўл қўйган хўжалик раҳбарлари С. Саймоқов (С. Саймоқов номли), А. Усмонов (F. Азаматов номли), Ғ. Алимов (О. Йўлдошев номли) А. Холжонбоев («Ачамайли»), туман аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси бошлиғи Б. Нурмуҳаммедов, туман савдо ҳиссадорлик жамияти раиси А. Сайдовутов, туман маданият бўлими мудири Р. Худойкуловлар қаттиқ огоҳлантирилдилар.

Мазкур соҳа бўйича шуғулланган туман ҳокими муовинлари П. Абдулазизов ва Д. Иномбековларга ишда назоратни бўшаштириб юборганликлари ва газетага ўз вақтида жавоб тайёрламаганликлари учун хатолари кўрсатиб ўтилди.

Туманда аҳолига маданий, маиший, савдо хизматини яхшилаш бўйича кенгайтирилган тадбирлар ишлаб чиқилди ва бу тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш туман ҳокимининг муовини П. Абдулазизов зиммасига юклатилди.

Айни кунларда туман марказидаги ҳаммомни ишга тушириш бўйича қизғин таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Бўка шоҳбекати майдонида лойиҳа асосида янги сартарошхоналар мажмуаси қуришга киришилди.

Хўжаликлардаги мавжуд ҳаммомларни қайта таъмирлаш, ишга тушириш ва мавжуд сартарошхона ва бошқа маиший хизмат шаҳобчалари ишини тубдан яхшилаш вазифаси хўжалик раҳбарлари зиммасига юклатилди.

Савдо шаҳобчалари ишини яхшилаш ва уларни зарур маҳсулот билан таъминлаш чора-тадбирларини кўриш туман савдо ҳиссадорлик жамияти раиси А. Сайдовутовга топширилди.

Туман маиший хизмат корхонаси раҳбари Б. Нурмуҳаммедов ва туман маданият бўлими мудири Р. Худойкуловлардан ўз соҳаларида ўзгариш ясаш қатъий талаб қилинди.

Туман ҳокимлиги газета тумандаги маданият, маиший, савдо соҳасида йўл қўйилган камчиликларни кўрсатиб, тўғри иш қилганлигини таъкидлаш билан бирга бу соҳадаги ишларни яхшилашда барча зарур чоралар кўрилаётганлигини маълум қилди.

Долзарб мавзу

ХИРМОНДАГИ ҲИСОБ...

Вилоят хўжаликларида ғалла ўрим-йиғимига тайёргарлик қандай боряпти?

116,1 минг гектардан кўпроқ майдонлардаги ғалланинг дони қотиб, пояси сарғая бошлади. Мутахассисларнинг таъкидлашича бу йил ғалладан яхши ҳосил етиштирилди. Лекин халқимизда даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб, деган гап бор. Вилоятда 10 июндан бошлаб ўрим-йиғимга киришиш белгиланди. Мавжуд барча имкониятлар эътиборга олиниб, ҳар бир кундан унумли фойдаланиб, ўрим-йиғимни бир ойда якунлаш учун дастур ҳам тузиб чиқилди.

Хўш, бир ой ичида хўжаликларда ўрим-йиғимни якунлаш, учун ҳамма нарса шайми? Айниқса, ўрим тақдирини ҳал этадиган техниканинг аҳволи қандай? Уларни таъмирлаш ва мавсумга ҳозирлаш қандай кечяпти?

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси яқинда шу ишларнинг сарҳисобини чиқарди. Гарчи бир қарашда ҳамма ишлар жойида, аҳвол қониқарлидай туюлса-да, техника жамламасида нуқсонларнинг кўплиги мавсумгача қолган 10—15 кун ичида ҳали кўп ишларни бажариш лозимлигини кўрсатади.

Ҳозир хўжаликларда 730 та турли русумдаги ўриш техникаси бор. Аммо эскиргани сабабли уларнинг барчаси ҳам ўрим-йиғимда тўла қатнаша олмайди. Фақат 56 та «Кейс» русумли ва 511 та оддий комбайнлар билан ғалла ўрилади. Булардан ташқари яна 18 та «Кейс» комбайнларини сотиб олиш ҳамда 37 шоли комбайнларини ҳам ғалла ўримига жалб этиш мўлжалланмоқда. Ҳисоб-китоблар ҳар бир «Кейс» комбайни билан кунига 25 гектар, оддий комбайнлар билан эса 5 гектар майдондаги дон ўриб олингудек бўлса, бир кунда 4205 гектардаги ғаллани хирмонга тўкиш ва ўрим мавсумини 26 иш кунида тугатиш мумкин эканлигини кўрсатмоқда. Бўка, Қуйичирчиқ, Янгийўл, Тошкент туманлари хўжаликлари эса ўз имкониятларидан келиб чиқиб, ўрим-йиғимни 30—34 кунда якунлашни режалаштирмоқдалар. Бунинг учун эса, албатта, барча техникани сифатли таъмирлаб, улардан самарали фойдаланиш лозим бўлади.

Текширишлар шуни кўрсатдики, ўримда қатнашиши мумкин бўлган 573 та турли русумдаги комбайнлардан 554 таси таъмирдан чиқарилган. Шулардан фақат 296 тасигина туман ва вилоят комиссиялари томонидан қабул қилиб олинган. Аммо, Бекобод, Бўстонлиқ, Бўка туманларида комбайнларнинг 20-39 фоиздан кўпроқ қисми ҳалигача созланмаган. Тайёр, деб маълумот берилганлари ҳам синчиклаб кўрилганида ҳали кўп камчиликлари борлиги аниқланди. Ана шу сабабли комиссия Бекобод ва Бўка туманларидаги хўжаликларнинг биронта ҳам комбайнларини қабул қилиб олгани йўқ.

Ўрим-йиғим мавсумига масъулиятсизлик билан қараш ҳоллари айниқса, Бекобод туманидаги Ойбек номли, «Далварзин», Бўка манидаги «Ачамайли» ва F. Азаматов номли, Қуйичирчиқ туманидаги «Меҳнатобод», Бўстонлиқ туманидаги «Бўстонлиқ», «Паргос», «Сойлиқ», «Чиноз», Чиноз туманидаги Охунбобоев номли хўжаликларда давом этяпти. Таъмирлаш ишлари сабабсиз чўзиб юборилмоқда. Сифатсиз созланмаган комбайнларни талай қисми кўрикда қабул қилинмади ва уларни тузатиш учун яна муддатлар белгиланди.

«Кейс» русумли ва оддий комбайнларни тўла-тўкис созлаш ва уларни ўрим даврида узлуксиз ишлатиш учун қўшимча ёритгич асбоблар, сегмент, пичоқ, камар, турбокомпрессор, подшипниклар, элаклар, гидронасослар ва бошқа эҳтиёт қисмлар, шунингдек 200 та аккумуляторлар ажратиш лозим.

Мавсум муваффақияти асосан механизаторларнинг малакаси ва тажрибасига боғлиқ. Шу сабабли уларни ўқитиш, малакасини ошириш, илғор тажрибаларни ўргатиш, бунинг учун эса машина трактор паркларида ўқув-семинарлар ўтказиш зарур. Хўжаликларда комбайнларни бригада усулида ишлатиш тадбирлари белгиланаётгани, уларга техник, тиббий, маиший хизмат кўрсатиш бўлинмалари ташкил қилиш учун тегишли чоралар кўрилаётгани яхши. Аммо терим техникасининг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун зарур бўлган бу ишлар кўпгина хўжаликларда суст боряпти.

Ғалла ўрим-йиғими дон ўриш ва донни янчишдангина иборат эмас. Уни ўз вақтида ташиб олишни ташкил этиш ҳам керак.

Бунинг учун камида 2250 транспорт воситалари кечакундуз ишлаши лозим. Тўғри хўжаликларнинг ўзлари 2000 тадан кўпроқ транспортга эга. «Узавтотранс» эса 150 та, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» корхоналари 90 та автомашиналарни юборишни режалаганлар. Лекин шунча транспорт воситаларини тегишли жиҳозлар билан бутлаш, герметизациялаш, кўрикдан ўтказиб, йўриқномалар бериш керак. Афсуски мана шу ишлар ҳамон ташкил қилинмаётир. Булардан ташқари хўжаликлардаги мавжуд 121 та дон тозалаш машиналаридан 103 тасигина таъмирланган. Бўка, Оққўрғон, Бўстонлиқ, Пскент туманларида эса бундай машиналарнинг учдан бир қисми очилиб-сочилиб ётибди.

Бу йил ғалладан бўшаган 39 минг гектар майдонга такрорий экинлар экиш режаланган. Шундан 25 минг гектарига силос учун маккажўхори, 6000 гектарига бошқа экинлар экилади. Хўш, ана шу ерларни шудгорлаш учун ҳайдов тракторлари етарлими, улар шайлаб қўйилганми? Хўжаликларнинг раҳбарлари мана шулар ҳақида ҳам ўйлаб, пухта тайёргарлик кўриб қўйишлари зарур.

Бу йилги ўрим-йиғим мавсуми масъулияти ғоят катта, Хўжаликларда ана шуни чуқур ҳис этган ҳолда ўрим бошлангунига қадар қолган кунларда тайёргарлик ишларини поёнига етказиш ҳаммаларнинг асосий иши бўлмоғи лозим.

Бўка туманидаги «Туркистон» хўжалиги ғаллакорлари 585 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 37 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилганлар. Вақтида суғорилгани ва озиқлантирилгани сабабли кутилганидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди.

СУРАТДА: сувчи Бахтиёр Жумабоев, бош ҳосилот Сафарали Сарибоев ва пудратчи Иброҳим Ниёзқулов етиштирилган ғалла ҳосилини кўздан кечирмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ЦЕМЕНТ — ХОРИЖГА

«ОҲАНГАРОНЦЕМЕНТ» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган техника тадбирларини ҳам мунтазам амалга оширмоқда.

Жумладан, цементни қоплаш технологияси ўзлаштирилишининг самараси яхши бўлмоқда. Энг муҳими, қимматли бинокорлик материалининг нобуд бўлиши кескин камайди.

Қопланган цементни харид қилувчи ички ва ташқи мижозлар кўпаймоқда. Хорижий буюртмачилар қаторида Туркманистон, Тожикистон, Озарбайжон ва Афғонистон бор. Уларга йил бошидан бери бир неча минг тонна цемент жўнатилди.

Собир ҲАМИДОВ.

ТАНЛОВ 101 КУН ДАВОМ ЭТДИ

ПАРКЕНТ туманида «Экосан» халқаро жамғармасининг ташаббуси билан ташкил этилган мактаб ўқувчиларининг «Табиат ва табобат» мавзусидаги кўрик-танлови роппароса 101 кун давом этиб, унда 10000 дан зиёд қишлоқ ёшлари қатнашдилар. Ниҳоят куни кеча ана шу тадбирнинг якуний босқичи ўтказилди.

Эътиборли ҳакамлар ҳайъатининг танлов шартлари — она табиатни муҳофаза қилиш, атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш, хайвонот ва наботот оламини ўрганиш бўйича саволларига атрофлича жавоб бера олган 14-ўрта мактабнинг «Биосфера» гуруҳи аъзолари биринчи ўринга муносиб деб топилдилар ҳамда шу мактаб жамоасига 40 минг сўмлик пул мукофоти берилди.

Шунингдек, 17-ўрта мактабнинг «Мувозанат» ва 18-ўрта мактабнинг «Ниҳол» гуруҳлари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди. Улар ҳам 30-20 минг сўм пул мукофотига сазовор бўлишди.

Кўрик-танлов ғолиблари ва иштирокчиларига «Экосан», «Соғлом авлод учун», «Камолот» ёшлар жамғармалари, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, халқ таълими бўлимлари ва хомий ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Тамара МУҲСИМОВА.

ДУНЁДА БИРИНЧИ БЎЛИБ

Янгийўлдаги оқсил концентрати заводи қошида ташкил этилган «Микрэл» қўшма корхонаси мутахассислари дунёда биринчи бўлиб чигит шротидан оқсил олиш технологиясини ишлаб чиқдилар. Янги маҳсулот қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришида фойдаланилади.

ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

«Ўзбекистон металлургия комбинати» бирлашмаси савдо-саноат корхоналарини ташкил этиш дастурини изчил амалга оширишга киришди. Бу ерда Украинанинг «Олвей» фирмаси билан бирга пўлат қувурлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхона ташкил этилди. Янги корхона фаолиятининг асосини «Ўзбекистон металлургия комбинати» мутахассислари ишлаб чиққан маҳаллий технология ташкил этгани ҳолда украиналик шерикларнинг маблағлари ҳам кенг жалб этилади.

Раҳим ҚОДИРОВ.

КУН ТАРТИБИДА — БОЗОР

ЯНГИЙЎЛ шаҳар ҳокими ҳузурида куни кеча матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлар фаолиятини тартибга солиш юзасидан мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда ҳуқуқ-тартибот идоралари, санитария-эпидемиология станцияси ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Йиғилишни шаҳар ҳокими Шуҳрат Қорабоев бошқарди. Қарор ижросига қаратилган вазифалар белгилаб олинди.

Зуҳра ШЕРОВА.

ҲИММАТДАН МЕҲР ПОРЛАР

***ОТА-БОБОЛАРИМИЗ** азал-азалдан савобли ишларга қўл уриб келишган. Бу эса, инсонларни бир-бирига яқинлаштириб, қалбларида меҳр чироқларини янада ёрқин порлашига сабаб бўлган.*

Яқинда Юқоричирчиқ туман ҳокимлигида оила йилига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда 30 нафар «Чернобилчи» йигитлар иштирок этишди. Унда туман ҳокимининг муовини Ҳасан Алиев, туман ҳокимлигининг бош мутахассиси, туман «Чернобиль жамияти» раиси Яшин Аҳмедовлар сўзга чиқишиб, фожеада зарар кўрган йигитларга ва уларнинг оилаларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш савобли иш эканлиги ҳақида гапирдилар.

Тадбир сўнгида йигитларга тумандаги «Ниҳол» ва «Мададкор АУДИТ» хусусий фирмаларининг эсдалик совғалари топширилди.

Латифжон МАНСУРОВ.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ — АКЦИЯ — САМАРА

Бутун мамлакатимиздаги каби пойтахт вилоятимиз халқ хўжалигининг барча тармоқларида иқтисодий ислоҳотлар кўлами тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бормоқда. Бундан асосий мақсад иқтисодиётимизнинг жадал ривожлантириш ва халқимиз фаровонлигини оширишдир. Иқтисодий ислоҳотлар марказида инсон, унинг манфаатлари туради. Бу эса энг муҳимидир.

Вилоятимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўлида муайян ютуқларга эришилди. Бу умумхалқ ишида бизнинг бошқармамиз ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаол қатнашмоқдалар, ўзларининг саъй-ҳаракатлари билан унинг олға силжишига ҳисса қўшмоқдалар. Аслини олганда ҳам бошқармамиз шу ишга бош-қош бўлиши лозим, ислоҳотларнинг жойларда боришини ташкил этиш ва унинг устидан назорат қилиш, керак бўлса, зарур ёрдамни кўрсатишга даъват этилган. Шу мақсадда бошқармамиз иқтисодий ислоҳот жараёнларига ташкилий ва услубий раҳбарлик қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишга эътиборни кучайтирмоқда. Бу ишда вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернларнинг вилоят тузилмалари, шунингдек, ҳокимлик органлари ва ҳудудий бошқармалар билан доим ҳамкорлик қилмоқда.

Иқтисодий ислоҳот одимлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги «Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва республика фонд бозорида чет эл инвесторларининг иштирокини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 1998 йил 4-мартдаги «Фонд бозорини янада ривожлантириш ва Давлат мулки негизида барпо этилган акциядорлик жамиятларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг «Акциялар пакетларини жойлаштиришни такомиллаштириш ва давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини бошқаришда акциядорлар ролини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 1998 йил 5-мартдаги «Давлат корхоналари негизида барпо этилган акциядорлик жамиятларида акцияларни жойлаштиришнинг белгиланган тартибини амалга оширишни текшириш натижалари тўғрисида»ги қарорлари асосида иқтисодиётнинг турли тармоқларига тегишли акциядорлик жамиятларининг акциялари тамойилларини қайта кўриб чиқиш бўйича кенг кўламдаги ташкилотчилик ишлари амалга оширилди. Чунки, Ўзбекистонда бозор фондининг таркиб топиши ва ривожланишида давлат мулкини хусусийлаштириш ҳамда давлат корхоналари негизида акциядорлик жамиятларини барпо этиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Уларнинг акциялари қимматли қоғозлар бозорида муҳим фонд воситаси ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам юқорида тилга олинган Фармонлар ва қарорлар, аввало, акциядорлик жамиятларига айлантирилган корхоналарнинг Ўзбекистон ва хорижий сармоядорларни жалб этишдан манфаатдорлигини ошириш, уларнинг техника билан қайта ускуналашни таъминлаш, рақобатбардош ва ҳозирги вақтда хориждан келтирилаётган маҳсулотлар ўрнини босадиган буюмлар ишлаб чиқариш ҳамда фонд бозоридаги фаолиятини рағбатлантиришга қаратилганлиги билан катта аҳамиятга эгадир.

Вилоятимизда ҳам мулкчиликнинг акциядорлик шакли анча ривожланган. Ҳозирги вақтда 422 та акциядорлик жамияти ишлаб турипти. Улар 44 та вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорация ва уюшмалар таркибига киради, ҳаммасининг мулкида давлат ва меҳнат жамоаларининг улуши бор.

Ҳозирги вақтда бу жамиятларда акцияларни қайта тақсимлаш бормоқда. Афсуски, кейинги вақтларда ўтказилган текширишлар уларнинг ҳаммасида ҳам бу жараён кўнгилдагидек бормаётганлигини кўрсатмоқда. Кўпчилигининг низом фондида меҳнат жамоасининг ҳиссаси катта. Акцияларни тарқатишдаги бундай аҳвол, хорижий сармоядорларни жалб қилиш бўйича иш етарли олиб борилмаганлиги оқибатида корхоналар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва тайёрланаётган маҳсулот турларини кўпайтириш учун зарур маблағларни олмадилар.

Бунинг устига, кўпгина корхоналар ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилгандан кейин бозор шароитларида ўз фаолиятларини тўғри йўналтира олмадилар. Ишлаб чиқариш ҳажмлари ва суръатларини пасайтириб юбордилар, натижада малакали мутахассислар ҳам кетиб қолдилар. Айни вақтда эскича ишлашни давом эттириб, бозор талаб билан қийматдиган маҳсулотлар тайёрлашдан воз кечмадилар, бошқача қилиб айтганда, омбор учун ишладилар. Шу сабабли уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида мураккаб муаммолар пайдо бўлди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, республикамиз Президентининг «Фонд бозорини янада ривожлантириш ҳамда давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларда тўғрисида»ги Фармони чиқмасдан олдин бу масала бўйича бўлган механизм давлат мулки негизида барпо этилган акциядорлик жамиятларининг акцияларини тўла жойлаштиришдан манфаатдорлигини рағбатлантирмас эди. Чунки, уларни сотишдан тушган маблағлар давлат мулки қўмитаси томонидан бюджетга ўтказиларди. Ҳиссадорлик жамиятлари эса ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги техника ва технологияларни сотиб олиб, жорий қилиш учун асосан банк ва бошқа кредитлардан фойдаланардилар, уларнинг йиллик устамаси эса 40 фоизгача борар эди. Кўпчилик жамиятлар бунга қодир эмасди.

Президентимизнинг Фармони асосида Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат корхоналари негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларида акцияларни жойлаштиришнинг белгиланган тартиби амалга оширилишини текшириш якунлари тўғрисида» қабул қилган қарорида акциядорлик жамиятларини қўллаб-қувватлаш бўйича жуда муҳим бир қадам қўйилди. Эндиликда акциялари пакети қайта кўриб чиқилган корхоналар хорижий сармоядорларга сотган акцияларидан тушган тушумни ўзлари оладилар. Бу маблағларни корхонани қайта қуриш ва техника билан жиҳозларга сарфлайдилар. Давлат бу маблағларни меҳнат жамоасига қайтариб олмаслик шарти билан беради. Бундан ташқари, акциялар бозор талаби бўйича шартнома асосида сотилади. Бу ҳам молиявий ресурсларнинг қўшимча манбаи бўлади. Унга солиқ солинмайди.

Акцияларни сотишдан тушган пул, албатта, ишлаб чиқаришни қайта ташкил қилиш ва ички ҳамда ташқи бозорлар талабини ҳисобга олиб, тайёрланаётган маҳсулотни янгилаш мақсадида фойдаланилиши керак.

Бунинг устидан назорат олиб борилади. Четга оғиш ҳоллари аниқланса маблағ республика бюджетига ўтказилади.

«Ўзавтотранс», «Ўзпахта саноатсотиш» Соғлиқни сақлаш вазирлигининг вилоятимизда жойлашган корхоналари Президентимизнинг бу фармонини бажаришда яхши натижаларга эришдилар. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 19 та акциядорлик жамиятлари вилоят «Дори-дармон» АЖга бирлаштирилди. Унинг низомий жамғармаси 11742000 сўмга етди. Чирчиқдаги «Трансформатор», «Ўзбеккимёмаш», маҳаллий саноатга қарашли «Металлист» ва бошқа кўпгина жамиятларда ҳам бу муҳим тадбирга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилганини таъкидлаш лозим.

Шу билан бирга «Ўзқишлоқкимё», «Ўзагроқурилиш», «Ўзсаноатфуқароқурилиш»ларнинг қатор ташкилотлари бу муҳим ишга масъулиятсизлик билан ёндошдилар. «Ўзқишлоқтаъминоттаъмир», «Ўзсувқурилиш», «Ўзозиқовқатсаноати»нинг қатор корхоналарида қайта тузиш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш тартибининг бузилишига йўл қўйилди.

Жорий йилнинг биринчи майигача 216 та акциядорлик жамиятида акциялар пакети янги ҳужжатларда назарда тутилган талабга жавоб берадиган ҳолга келтирилди. Шу жумладан, 20 та АЖ мулк шаклини ўзгартирди ва масъулияти чекланган жамиятга (МЧЖ) айланди, бир АЖ хусусий корхона бўлди.

Қимматли қоғозлар бозорининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш мажбуриятининг ҳудудий бўлими 175 та АЖ бўйича эмиссия проспектларини рўйхатдан ўтказди ва бу АЖ «Вақт» миллий депозитарийсида ҳисобга олинди.

АЖ акциялари пакетларини қайта тақсимлаш натижасида уларнинг низом фондлари 863,0 миллион сўм ёки 22 фоиз кўпайди. Бундан 52,1 миллион сўми 5 та АЖга Давлатмулккўмитаси берган кредитлар, 810,8 миллион сўми Давлат улуши акциялари бўйича олинган дивидендлар, ижтимоий инфратузилма объектлари акцияларининг эълон қилинган эмитентлари қиймати ҳисобига тўлдирилди. Тузилмалар ўзгаргандан кейин 175 АЖнинг низом фонди жами 3900,5 миллион сўмни ташкил этди. Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, бу жараён давомида фуқароларнинг ўз жамғармалари ҳисобига сотиб олган акциялари бекор қилинмади.

Ҳозирги вақтда кўпчилик АЖлар яратиб берилган янги имкониятлардан фойдаланиб, ишлаб чиқариш фаолиятларини яхшиламоқдалар ва жамоалар бундан фойда кўрмоқдалар. Масалан, Олмалиқ ўқув-ишлаб чиқариш автокомбинати акциядорлик жамиятига айлантирилгач, 2840 та акция чиқарди. Унинг 49 фоизи меҳнат жамоаси улуши, 26 фоизи давлат улуши бўлди ва 25 фоизи эркин сотиш учун ажратилди. Акциялар сотила бошлаган вақтда бу иш суст борди, кейинчалик тушунтириш ишлари туфайли эркин сотишга чиқарилган ва давлат улуши бўлган акциялар пакети меҳнат жамоаси қўлига ўтди. Ўтказилган маркетинг тадқиқотлари АЖнинг Бўка, Бекобод, Пскент, Туябўғиз ва Ангрендаги филиаллари очилишига олиб келди. Ўтган йилнинг охирларида иккинчи эмиссия ўтказилди — 1 миллион 250 минг сўмлик 3577 та акция чиқарилди. Шундай қилиб, жамиятнинг низом фонди 2 миллион 244 минг сўмга етди. «Паркент деҳқон бозори» акциядорлик жамияти ҳам қимматли қоғозларнинг иккинчи эмиссиясини муваффақиятли якунлади. Унинг низом жамғармаси ҳажми деярли икки баравар кўпайди.

Вилоятимизда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришда ижобий силжишлар бор. Лекин, ҳали бу йўналишда қилинадиган ишлар жуда кўп. Амалга оширилаётган тадбирлардан асосий мақсад акциядорлик жамиятлари ишини жонлантириш, бунинг учун қўшимча пул маблағларини жалб қилиш, уларнинг ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозорига чиқишларини енгиллаштиришдир, бунда уларга маҳаллий ҳокимликлар органлари ҳар томонлама ёрдам кўрсатишлари керак. Эркин ва чет эл сармоядорларига сотиш учун ажратилган акциялар улушини тезроқ ва самарали пуллаш, ишлаб чиқаришни реновация қилиш ва тайёрланаётган маҳсулотни янгилаш, энг асосийси, ўз буюмларини ички ва ташқи бозорда сотишни ўрганиб олиш жуда муҳимдир. Бу республикамиз иқтисодиётининг ривожланишига, фуқаролар турмуш фаровонлиги ортишига ёрдам беради. Шунинг учун ҳам фонд бозорини янада ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз кўламини муттасил кенгайтириш йўлидан бораверамиз.

Александр РАҲИМОВ,
вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон бадиий академияси маданият ишлари ва халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда тасвирий ҳамда амалий санъат бўйича иқтидорли ёшларнинг иккинчи республика танловини ўтказди. Унда академия ва вазирликлар тасарруфидаги ўрта махсус санъат билими юртлари, коллеж ва лицей-интернатларнинг ёш рассомлари иштирок этди.

Илгари бундай кўргазмаларда санъатнинг маълум турларигина қатнашарди. Бу галгисида эса ўттиз икки мутахассислик бўйича яратилган асарлар намойиш этилди. Биринчи марта дизайн йўналишидаги бўлажак мутахассисларнинг ишларига ҳам жиддий эътибор қаратилди.

Иқтидорли ёшлар танловининг ялпи кўргазмаси республика бадиий рассомлик коллежида ташкил этилди. Улардан юздан ортиғи кўргазмага қўйишга тавсия қилинди. Бу асарлар орасида попончилик буюмлари, зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик ва лак-миниатюраси намуналарига кенг ўрин берилди. Ёш ижодкорлардан Баҳром Рустамов, Шуҳрат Одилов, Янна Кийко, Зоир Мансуров, Диана Садисова ва Собир Эргашев рангтасвир, лак-миниатюра, дизайн бўйича биринчи ўринни эгаллади. Улар Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтига имтиёзли тарзда имтиҳонсиз қабул қилинади.

Б. МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири.

ТАЛАБАЛАР КИМЁВИЙ ОЛИМПИАДАСИ

Уч кун давомида Тошкент кимё-технология институти аудиторияларида Республика техника олий ўқув юртлари талабаларининг кимёвий олимпиадаси мусобақалари ўтказилди. Уч йўналиш бўйича — умумий кимё, экология ва озиқ-овқат технологияси соҳаларида билим олувчи талабалар бир неча босқичда ўз билимларини синаб кўрдилар. Соҳалар бўйича тузилган бир мунча мураккаб тест саволлари ва масалаларни очишда талабалар олган билимларини ишга солишди, мамлакатимизда Миллий дастур асосида олиб борилаётган амалий ва лабораория машғулотларида ўрганган экологик масала ва технологик ечимлар саволларига тўлиқ жавоблар қайтаришга интилишди.

Ўн бешга яқин олий ўқув юрти талабалари қатнашган бу мусобақалар уларнинг кимё фани ва технологиясига бўлган қизиқиши ортиб бораётганлиги, бакалавриат бўйича ўтказилаётган дарслар жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган даражада эканлигидан далолат бериши маълум бўлди.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабалари, Фарғона политехника, Наманган саноат-иқтисод институти, Тошкент кимё-технология институти талабалари кимё асосларини пишиқ билишлари, уларда интилиш, ҳаракат, йўналишга қизиқиш кучли эканлиги таъкидланди. Тошкент кимё-технология институти талабаларидан Жўра Мирзамаҳмудов билан Бурҳон Қодиров, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабаси Азамат Бобожонов, тошкентлик Мунира Баҳромова ва бошқалар юқори ўринларни эгаллашиб, бир йўла уч ва икки бараварлик стипендия, фахрий ёрлиқ ва совғалар билан тақдирландилар. Дастлабки ўринларни эгаллаган талабалар магистратурага киришда, имтиҳонлардан автоматик ўтишда ва чет элларга ўқишга юборилишларида конкурссиз қабул қилиниш ҳуқуқига эга бўлишди.

Жалол АЛИЕВ.

ЭНДИ ГАП ТАРҒИБОТДА ҚОЛДИ

СЎНГГИ йилларда мамлакатимизда янги қонунларни яратишга алоҳида эътибор берилди. Ўтган етти йил ичида ижтимоий-иқтисодий тараққиётга доир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Яқинда бўлиб ўтган Республика Олий Мажлисининг XI сессиясида якдиллик билан тасдиқланган Оила Кодекси халқимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Унда «Оила» деб аталмиш жамиятимиз негизининг бугуни, эртаси ва истиқболига тегишли барча тамойиллар ўзининг тўла аксини топди.

Янги Кодекс аввалги оила ва никоҳ тўғрисидаги қонундан қатор жиҳатлари билан ажралиб туради. Унда ота-оналарнинг болалар тарбиясига масъулияти алоҳида кучайтирилди. Оила қуриш тартиби билан боғлиқ қоидалар кенгайди. Болалар ва ота-оналар ўртасидаги ҳуқуқий ҳамда мулкий муносабатлар янги талқинлар билан бойитилди.

Шуни айтиш керакки, Кодекс лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилганда уни ғўлдириш юзасидан кўпгина ўринли таклифлар, мулоҳазалар билдирилди. Уларнинг аксарияти оилада эр-хотин ва фарзандлар орасида тотувликни мустаҳкамлаш, никоҳ ёши муддатларини белгилашга аниқлик киритиш, мулкий муносабатлар бўйича ҳуқуқий меъёрларни такомиллаштиришга даҳлдорлиги билан ишчи гуруҳи эътиборини тортди. Кодекс лойиҳасини сессияга тақдим этишда таклифларнинг кўплари инобатга олинди.

Сессияда давлатимиз ҳуқуқий пойдеворини янада мустаҳкамлашни кўзда тутган бошқа қонунлар ҳам ҳаётга йўл олди. Айни пайтда бу анжуманда Президентимизнинг «...агар биз мана шу қонунларни амалга оширмоқчи бўлсак, самарасини кўрмоқчи бўлсак, жойларда уларни тарғибот қилиш ишларини яхши йўлга қўйишимиз лозим», деб айтган сўзлари олим, мутахассис, мазкур Оила Кодекси лойиҳасини яратган ишчи гуруҳининг аъзоси сифатида мени ҳам руҳлантирди. Чиндан ҳар бир қонуннинг кучи, қудрати, унинг моҳиятини республикамиз ҳар бир фуқаросининг чуқур тушуниб етишида ва ижросидадир. Айниқса, ҳуқуқ илми билан шуғулланувчи кишилар маъмурий идоралар ходимлари, маънавият ва маърифат республика маркази ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар тарғибот борасида энди янада фаолроқ ишлашлари керак. Зеро, мазкур Кодекс ва умуман оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари оилани мустаҳкамлашдан, ундаги муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам тарзида йўлга қўйишни таъминлашдан иборат. Оила ҳар бир инсоннинг фазилатларини шакллантирадиган маскан экан, унинг муқаддаслигини сақлашда ҳуқуқий меъёрларга риоя этилиши шарт.

Оила Кодексидаги эр ва хотин мол-мулкининг шартномавий таркиби янги тамойиллардан бири бўлди. Маълумки, ҳеч бир жамиятда оила турмуши бир қолипда, равон кечган эмас. Жумладан, оилада низоли ҳолатлар ҳозирги даврда ҳам содир бўлиб туради. Гоҳо бу жанжаллар ажралишгача бориб етади. Ана шундай жараёнларда мулкий муносабатлар совуқчиликни кучайтиришини ҳаётий тажриба кўрсатиб келмоқда. Оила Кодексида бу ҳолат ҳисобга олиниб, у такомиллаштирилди, яъни никоҳгача бўлган мулк ҳар кимнинг ўзиники, никоҳ давомида орттирилган мулк эса биргаликдаги умумий мулк ҳисобланади. Кодексдаги янгилик шуки, ана шу биргаликдаги умумий мулкнинг мақомини эр-хотин келишган ҳолда, шартнома асосида ўзгартириши мумкин. Нотариусдан ўтган бу ҳужжатга мувофиқ, эр-хотиндан ҳар бири қонунда белгиланган тартибга кўра, ўртада бирга топган мулкининг айрим турларига алоҳида-алоҳида ўзи эга бўлиши мумкин. Ёки мулк умумий бўлиб қолавериши ҳам мумкин. Гап шартномани қандай тузишга боғлиқ. Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам, бўлғусси мол-мулкига нисбатан ҳам тузилаверади. Унга кўра эр ва хотин бир-бирига моддий таъминот беришга, оила харажатларини кўтаришга, биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олишга, никоҳдан ажралганда эр ва хотиндан ҳар бирига бериладиган мулкни аниқлаб олишга ҳақли. Хуллас, мулкий муносабатларни белгилашда эр ва хотинга ҳуқуқий эркинлик яратиб берилди.

Қонун ва ҳаёт

Республикамизда баркамол, соғлом авлодни тарбиялашдек муҳим вазифани амалга оширишда ёшларнинг соғлом бўлиши алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис Кодексда аҳду паймон қилган йигит ва қизнинг тиббий кўрикдан ўтиши зарурлиги кўзда тутилди. Бундай ҳолатда уларни назоратдан ўтказган врач мабодо касаллик аниқланса, уни маҳфий тутади, ошкор қилишга ҳаққи йўқ. Аммо, касаллиги аниқланган бўлажак келин ёхуд куёв бир-бирига бор воқеани айтиши керак. Бундай ҳолатда оила қуриш-қурмаслик масаласи улар ихтиёрида қолади. Акс ҳолда, касалликни айтмаслик хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Мабодо, дардни яшириб, иккинчи томонни огоҳлантирмасдан никоҳдан ўтган бўлса, хабардор бўлмаган томон никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиши ва кўрилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Оила Кодексида алимент тўлаш тартибига ҳам ўзгартишлар киритилди. Бунинг сабаби маълум. Айримларнинг алимент тўлашдан қочиб юришлари сир эмас. Шуни ҳисобга олиб, алимент тўлашда ҳам эр-хотин ўртасида шартнома тузишга йўл очилди. Бу шартномада белгиланган алимент миқдори давлат белгилайдиган алимент миқдоридан кам бўлмаслиги керак. Ундан кўпроқ тўлаш ихтиёрий равишда бўлади. Алимент тўлайдиган шахс алиментни пул билан тўлай олмаса, уни моддий маҳсулотлар билан ҳам тўлаши мумкин.

Вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўлимига ҳам анчагина янгиликлар киритилди. Бунда, айниқса, бола муҳофазасига алоҳида эътибор берилди. Хусусан, кўпинча турмушда рўй берадиган эр-хотин ажралишида у ёки бу томон болани иккинчи бир томонга кўрсатмаслик ҳоллари содир бўлиб туради. Кодекснинг 66-моддасида боланинг ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқи кафолатланди. Ота-онанинг никоҳдан ажраши, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши ёки ота-онанинг бошқа-бошқа яшаши боланинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди. Ҳатто, ота-она турли давлатларда яшаган тақдирда ҳам бола улар билан кўришиш ҳуқуқига эга бўлади.

Кодексда ота-онанинг шахсий, номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам равшан кўрсатиб ўтилди. Хусусан, ота-она ҳаётлигида бола уларнинг мол-мулкига меросхўр бўлиш ҳуқуқига эга бўлмаслиги, шунингдек, ота-онанинг ҳам вояга етмаган бола мол-мулкига эгалик қилиш ҳуқуқи йўқлиги қайд этилди. Мабодо ота-она ва вояга етмаган болалар ўртасида мулкий низолар келиб чиққудек бўлса, бу иш судда ҳал этилади.

Кўриниб турибдики, Оила Кодекси ниҳоятда демократик руҳда, инсоннинг қадриятларини юксак тутган, оила аъзоларидан ҳар бирининг манфаатини кўзлаган ҳолда яратилди. Эндиги вазифа юқорида таъкидланганидек, Кодексни кенг ва фаоллик билан тарғиб қилмоқдан иборатдир.

Рустам МУҲАММЕДОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлари номзоди.

ОИЛА — ДАВЛАТ ТАЯНЧИ

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ана шу мавзуда республика илмий-амалий анжумани бўлди. Тадбир республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Оила» илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда ўтказилди. Уни университет ректори Б. Қодиров очди.

Анжуманда мамлакатимизда оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини янада ошириш, унинг манфаатини ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, ҳар бир оиланинг фаровонлигини яхшилаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилинаётгани таъкидланди. Президентимизнинг ташаббуси билан 1998 йил оила йили деб эълон қилингани бунинг яққол далилидир.

Республика «Оила» илмий-амалий марказининг директори О. Мусурмонова ва бошқалар анжуманда сўзга чиқиб, оила ва тараққиёт, оилада болаларни маънавий-аҳлоқий тарбиялаш муаммолари, ота-оналари ўртасида тиббий-педагогик билимларни тарғиб этиш каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳаза билдирдилар.

(ЎзА).

Республикамиз пойтахтидаги «Кимёқишлоқмаш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамоаси ишлаб чиқараётган машина-механизмларни барча пахтакор хўжаликларда учратиш мумкин.

Айниқса, бу ерда тайёрланаётган кимёвий пуркагичга талаб катта. Шуни ҳисобга олиб корхонада уни тайёрлаш йил сайин кўпайтирилмоқда. Ушбу суратда илғор уста Карима Юнусовани кўриб турибсиз.

Тўлқин КАРИМОВ олган сурат.

ЎҚУВЧИЛАР ЭКОЛОГИК ХАРИТАСИ

Пойтахтнинг Собир Раҳимов тумани ҳудудида ободонлаштириш ва атроф-муҳит озодагарчилигини таъминлашда мактаб ўқувчилари ҳам ҳисса қўшмоқда. Ўқув масканларида ташкил этилган экологик гуруҳлар маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда туман ҳудудида атроф муҳит мусаффолигини ўрганмоқда. 191-мактаб экологик гуруҳи аъзолари бу борада махсус «Экологик харита» ишлаб чиқди. Тозалаш ишлари ўтказилиши зарур бўлган ҳудудлар, ариқлар, оқава сувлар қизил белги билан, тозаланганлари эса яшил ранг билан белгилаб борилади. «Экологик харита» ёрдамида тумандаги «Себзор», «Қорақамиш» даҳалари, Шифокорлар шаҳарчасидаги маҳаллаларнинг санитария ҳолати, ободончилик анча яхшиланди.

(ЎзА).

КИТОБХОНЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Пойтахтдаги Алишер Навоий номидаги давлат кутубхонасида «Тасаввуф ва таассуб» мавзуида конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда таниқли олимлар Н. Комилов, С. Олимов, М. Нуриддинов ва бошқалар сўзга чиқиб, тасаввуф фалсафаси, мутаассиблик кўринишлари ва уларнинг ислом фалсафасидаги ўрни, ваҳобийлик тарихи масалаларига тўхталдилар. Мутаассибликнинг тарқалишига кўп жиҳатдан собиқ шўролар замонида халқимизнинг исломий тарбияси заифлашгани, миллий ва умумбашарий қадриятларга етарли аҳамият берилмагани сабаб бўлганига эътибор қаратилди.

(ЎзА).



Ўртачирчиқ туманидаги «Ҳақиқат йўли» хўжалигининг чорвачилик соҳаси катта даромад манбаига айланган. Бу ерда яхши парвариш қилинаётганлиги сабабли сигирлардан олинаётган сут миқдори тобора кўпайиб боряпти.

СУРАТЛАРДА: сут соғувчи Неъматилла Қорақулов. У ўзига биркитилган ҳар бош сигирдан етти килограммдан ошириб сут соғиб олмоқда. Ўнгдаги суратда эса хўжалик фермаси акс эттирилган.

В. ГРАНКИН олган суратлар.

Оила пудрати хосияти

КЎЧАТНИНГ САРАСИ — ҲОСИЛНИНГ АСОСИ

Деҳқоннинг меҳнати ғоят машаққатли: ерга уруғ қадаб, ниҳол ўтқазиб, уни ундириб, парваришлаб ҳосил олгунча озмунча захмат чекмайди. Бироқ уруғ айниган ёки кўчат бундайроқ чиқиб қолса борми, чув тушиб қолиши ҳеч гап эмас.

— Биз, — дейди Зангиота туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги иссиқхона бригада бошлиғи Холмурод Каримов, — бу масъулиятни бир дам ҳам унутмаймиз. Сабзавотчиликка ихтисослашган хўжаликда кўчатчилик тармоғининг юраги эканлигини яхши биламиз. Иссиқхонамизда 25 сотих майдон ҳар йили кўчат етиштириш учун ажратилади. Бу ерлар алоҳида меҳр, ихлос билан тайёрланади. Тажрибали деҳқон Жалолиддин Ҳожиаҳмедов бошлиқ оилавий пудратчилар ўз бурчларини садоқат билан бажариб келмоқдалар.

— Уруғнинг сифатини қандай аниқлайсизлар?

— Бу саволни бежиз бермадингиз, — дейди Холмурод. — Четдан олиб келинадиган уруғларга ҳамма вақт ҳам ишониб бўлмайди, демоқчисиз. Буни биз ҳам яхши биламиз. Шунинг учун уруғни олгач, бизга теккани шу экан-да, деб ундан фойдаланавермаймиз. Деҳқонча усул билан синчиклаб текширамиз. Масалан, карам, бодринг, булғор қалампири ва бошқа сабзавот уруғлари ҳар тўпламидан юз донадан уруғни санаб, ажратиб оламиз, уларни алоҳида-алоҳида жойга сепиб, ундириб кўрамиз. Ана шу юз дона уруғдан тўқсон донаси униб чиқди дейлик. Ниҳолнинг «ранг-рўйи»га қараймиз. Демак, бу уруғнинг унувчанлиги тўқсон фоиз, бундай уруғни сийрак қилиб сепамиз. Лекин ҳамма вақт ҳам унувчанлиги биз кутгандек бўлмайди. Айрим ҳолларда саноқли уруғнинг эллик-олтмиштаси, борингки, етмиштаси чиқади. Демак, уруғ эскирган, кўпроқ туриб қолган. Уни қалинроқ сепамиз. Парвариш ишларини эса рисоладагидек қилиб олиб борамиз. Сийрак сепилган уруғни расад қилмаса ҳам бўлади. Лекин қалин бўлиб чиқса, албатта, расад қилиш шарт!

Кўчатчилар ана шундай машаққатли меҳнат билан бу йил 600 минг туп помидор, 550 минг туп булғор қалампири ва бақлажон кўчатларини етиштириб, деҳқонларга анча барвақт етказиб бердилар.

Иссиқхона соҳиблари фақатгина кўчат етиштириш билангина машғул бўлмайдилар. Улар ўтган йили 1 гектар 20 сотих майдонда помидор етиштириб, эрта баҳорда шаҳарликларга етказиб бердилар. Шу ҳисобга 3 миллион 650 минг сўм даромад қилинди. Даромаднинг маълум бир қисми иссиқхонада меҳнат қилувчиларга ойлик ва мукофот тариқасида берилди. Бу йил ҳам шунча майдонда помидор етиштирилди. Ҳар куни мижозлар келиб келишилган нархларда сотиб олиб кетишяпти.

Эрта-индин иссиқхонадаги ерлар эртаги кўчат ва помидор ҳосилидан бўшайди. Бу ерларга кечки карам ва бошқа сабзавот уруғлари сепилади. Ҳозир қизғин тайёргарлик кўрилаётир.

Бор-йўғи 40 гектар очиқ майдонда сабзавотчилик қилаётган ва оилавий пудрат асосида меҳнат қилаётган деҳқонларнинг кўнгли тўқ.

— Иссиқхонадагилар барака топишсин, — дейишди улар. — Бизга етказиб берган кўчатлари бехато тутиб кетди. Буёғи энди бизнинг меҳнатимизга, маҳоратимизга боғлиқ. Бор имкониятни ишга соламиз. Ҳар гектаридан камида 300-350 центнердан эртаги сабзавот маҳсулотлари етиштирамиз.

Чин дилдан айтилаётган бу сўзлар деҳқон кайфияти кўтаринкилигидан, демакки, меҳнатлари самарасига ишончдан, кўчатнинг сараси ҳосилнинг баракасига асос бўлаётганлигидан далолатдир.

Носир РИХСИЕВ.

ДЕҲҚОН ХОРДИҒИГА ЭЪТИБОР

Мамлакатимизда дала ишлари мавсуми бошланмоқда. Пойтахт вилояти Ўртачирчиқ тумани ҳокимлиги далада ишловчиларнинг маданий хордиқ чиқариши учун зарур шароит яратишга жиддий эътибор бермоқда.

Жумладан, ҳозирдаёқ саксонга яқин дала шийпони таъмирдан чиқарилди ва жиҳозланди. Уларда маданий-маърифий ишларни йўлга қўйишда Агросаноат мажмуи қасаба уюшмалари туман қўмитаси, «Маҳалла» ва «Камолот» жамғармалари туман бўлимлари яқиндан ёрдам беради. Маданият ишлари бўлими эса ҳар бир дала шийпонида кўчма кутубхона очади.

Н. ДУШАЕВ, ЎзА мухбири.

Қишлоқ ва ислоҳот

ЯНА БИР ИМКОНИЯТ

Бекобод туманидаги санацияга тушган «Авангард» ширкат хўжалигини қолоқликдан чиқариш учун нималар қилиняпти?

Бозор муносабатларига ўтилаётган ҳозирги даврда баъзи хўжаликларда иқтисодий самарадорлик пасайиб кетди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан улар санацияга олиндилар. Бу хўжаликлар орасида вилоятимиздаги сурункасига зарар кўраётган саккизта жамоа хўжаликлари ҳам бор. Хўш, йилнинг ўтган даврида бу хўжаликларда мушкул аҳволдан чиқиш учун нималар қилиняпти? Мухбиримиз яқинда Бекобод туманида бўлиб, шу соҳада амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Туман ҳокими Ғофуржон Бўрибоев билан суҳбатлашаётиб, ундан санацияга тушган хўжаликларда аҳволни ўнглаб олиш учун қилинаётган ишлар тўғрисида сўрадик.

— Бизда битта — «Авангард» ширкат хўжалиги санацияга тушган, — деди у. — Дастлаб санациянинг маъносини тушунмай унга имтиёзли қарз олиш ёки ҳукумат қарзлардан воз кечиш имконини берадиган восита деб қараган хўжалик раҳбарлари ҳам бўлди. Бироқ бу масаланинг туб моҳиятини тушуниб олгач, уларнинг ҳовури дарров пасайди. Гап шундаки, давлат хўжалик қарзини маълум бир вақтгача тўхтатиб қўйиб, икки йил ичида оёққа туриб олиши учун унга зарур имконият яратиб беради. Ҳеч ким бу хўжаликни етакка олиб, ўпирилишдан олиб чиқмайди. Бозор иқтисодиётининг талаби ҳам, иқтисодий соғломлаштиришнинг бирдан-бир тўғри йўли ҳам шундай. Ана шу сабабли хўжаликнинг ўзи ички имкониятлардан фойдаланиб, қолоқликдан чиқишнинг йўлларини топиши лозим.

Энди «Авангард» хўжалиги ҳақида. Ҳақиқатан ҳам унинг иқтисодиёти ночор аҳволга тушиб қолганди. Буни хўжаликнинг дебитор қарзлари 2,3 миллион сўмга, кредитор қарзлари 102 миллион сўмга етгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Хўш, нега шундай бўлди? Сабаби маълум. Эскича иш юритиш усулларига кўникиб кетган баъзи хўжалик раҳбарлари ислоҳотлар кундалик ҳаётга шиддатли ўзгартишларни олиб кираётган янгича шароитда ишлай олмадилар. Ҳолбуки ҳозирги давр ишбилармонлик, тадбиркорлик, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб шартномалар асосида хўжаликни юритиш, ердан кўпроқ фойда чиқариш, моддий манфаатдорликни таъминлаш сабоқларини чуқур ўзлаштириб олишни талаб қилаяпти. Эски қолипдан қутула олмаётган хўжалик раҳбарлари эса пировардида умумий оқимдан четга чиқиб қолмоқдалар. «Авангард» хўжалигида ҳам шундай бўлди. Бошқарув раиси Маҳамаджон Эргашев лавозимидан бўшатилди. Санация ҳақидаги қарорга биноан хўжаликни кўтариш учун унинг ўрнига селекциячи олим, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Хўжааҳмад Бобомуродов икки йил муддат билан ташқи бошқарув раиси қилиб тайинланди. Хўжааҳмад Бобомуродов бундан аввал «Навбаҳор» жамоа хўжалигини ҳам қолоқликдан олиб чиқишга эришди. У раис бўлиб ишлаган даврда хўжаликда пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 11 центнердан 24 центнерга етди.

...Хўжааҳмад Бобомуродовни Назира Боқиева бошлиқ I-бригаданинг плёнка ётқизилган даласида ниҳолларга ишлов бераётган кишилар орасида учратдик.

— Илғор хўжаликдан чўкиб қолган хўжаликка ўтишдан чўчимадингизми? — деб сўрадик ундан.

— Бу хўжалик қолоқ бўлгани билан имкониятлари анча кенг. Муҳими, қишлоқ одамларини танийман, улар ҳам мени яхши билишади. Негаки, ўзим асли шу қишлоқданман. Энди бу ерга раис бўлиб келиб масъулият қанчалик катта эканлигини тушуниб турибман. Аммо халқимизда чумчуқдан чўчиган тариқ экмайди, деган гап ҳам бор-ку. Менинг хўжаликни кўтариш юзасидан тузган дастурим кўпчиликка маъқул бўлди. Демак, уни амалга ошириш учун ҳам ҳаммамиз биргалашиб ишлаймиз. Бу дастурда даставвал хўжаликдаги ҳамма нарса — ер, сув, техника, асбоб-анжомларни ва ҳатто ишчи кучларини ҳам қайта ҳисобдан ўтказишни кўзда тутдим. Мутахассислар билан биргаликда бизнес-режа ҳам тузиб чиқдик. Хўжаликда йиллар давомида пахта ва ғалла ҳосилдорлиги гектар бошига 10 центнер атрофида бўлиб келган. Шу аҳволда деҳқончиликдан тушган даромад сарф-харажатларни қоплай олмаслиги маълум, албатта. Нега шундай бўлган? Бунинг сабаблари кўп. Хўжалик Сирдарёнинг ўнг ирмоқ каналидан сув ичади. Аммо ундан насосларсиз сув чиқариш қийин. Шу сабабли мавсум давомида пахтани ҳам, ғалланы ҳам нари борса бир марта суғориш билан чекланилган. Бунинг устига 150 километр узунликдаги ички ва 35 километрли хўжаликлараро ариқ ва зовурлар кейинги саккиз йил мобайнида бирор марта ҳам тозаланмаганлиги сабабли саёзлашиб қолган. Экин майдонлари шўрланиб, зах босган. Биз дастлабки кунданоқ зовурларни қазишга киришдик. Ҳозиргача 35 километр ариқ ва зовурлар тозаланди. Бу ишлар кеча-кундуз давом этяпти. Шунингдек ўнг ирмоқ канали бўйида вилоят ва туман ёрдами билан 4 та 500-10 СНП русумли электр насослар қуриб ишга туширилди. Келгуси йилгача яна бир насос қуриб бўлинади.

Ташқи бошқарув раисининг дастурида белгиланган яна бир тадбир кадрларни жойжойига қўйиш масаласи эди. Раис бу соҳада ҳам бирмунча ишларни амалга оширишга эришди. Унинг таклифи билан бошқарув рўйхатидаги 47 ходимдан 19 нафари, хўжалик бўйича эса 296 нафар ишчи кучлари қисқартирилиб, маъмурий тизим таркиби тубдан ўзгартирилди. Янгича ишлашга кўниколмаётган лаёқатсиз бригада бошлиқлари ҳам ўзгартирилиб, уларнинг ўрнига ёш, ишчан кишилар тайинланди.

Раис, шунингдек, ер майдонларига экинларни жойлаштириш режасини ҳам қайта кўриб чиқди. Хўжалик аъзолари қийғилиши қарори билан умумий нархи 1,5 миллион сўмлик эски ва яроқсиз техника ҳисобдан чиқарилиб, уни таъмирлаб ишлатишни истаган кишиларга нисбатан арзонроқ нархларда сотиладиган бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг 61-қарорига биноан қарз тўловларининг 2000 йилгача тўхтатилиб, банкда янги ҳисоб рақами очилгач, маълум шартлар билан фоизсиз қарзлар берилаётганлиги ҳам ширкат хўжалигининг нафас ростлаб олишига имкон яратди. Тўғри, хўжалик янги кредитни ҳам бошқа қарзлари билан бирга 2000 йилдан сўнг тўлашга киришади. Чунки, ҳозир бозор иқтисодиёти даври, текинга ҳеч кимга ҳеч нарса берилмаслиги аён.

— Биз ишни меёрий ҳужжатларга асосланиб олиб боряпмиз, — деб гапида давом этди Хўжааҳмад Бобомуродов. — Масалан, жами 2491 гектар экин майдонимиз бор. Шундан 1218 гектари пахта билан, 950 гектари ғалла билан банд. Бу соҳалар бизнинг асосий даромад манбаларимиздир. Қилинадиган барча сарф-харажатлар ва олинадиган фойдани тийин-тийинигача ҳисоблаб чиқдик. Гектаридан 22 центнердан пахта, 36 центнердан дон етиштиришни мўлжаллаяпмиз. Ортиқча моддий ва меҳнат харажатларига йўл қўйилмайди. Ана шунда бу йил камида 8 миллион сўм соф фойда олишимиз мумкин бўларкан. 1995 йилда 15 миллион, 1996 йилда 33 миллион, 1997 йилда 34,2 миллион сўмлик зарар кўрган хўжалигимизда биринчи марта фойда олишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Аммо, биз бунга эришамиз.

Хўжаликка янги раҳбар тайинланганига энди беш ой бўлди. Муддат қисқа бўлгани билан шу вақт ичида бажарилган ишлар кўлами кишини қувонтиради. Муҳими қишлоқда иқтисодий ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширияпти. Хўжаликда оилавий пудрат янгилик эмас. Ўтган йили 150 оила ғаллачилик билан шуғулланиб, бу усул хўжалик учун ҳам, пудратчилар учун ҳам икки томонлама фойдали эканлигини амалда исботлаган эдилар. Шуни эътиборга олиб, бу йил барча экин майдонларида ҳам пудрат усули қўлланилди. Жумладан, пахтачилик соҳасига 487та оилавий пудратчилар билан шартнома тузилиб, чек тизими асосида иш олиб бориляпти. Булардан ташқари хўжалик ҳудудида ташкил топган 38та деҳқон-фермер хўжаликлари ҳам 300 гектар майдонда деҳқончилик қилмоқдалар. Энди қишлоқда жамоа хўжалиги эмас, балки ширкат хўжалиги қарор топди. Ҳалол меҳнат қилиб, шартномада белгиланган миқдорда мўл ва арзон ҳосил етиштирган пудратчи даромаднинг асосий қисмига эга бўлади. Булардан ташқари қишлоқда 20 ишчи ўрнига эга бўлган тикувчилик цехи, новвойхона қуриляпти. 2 та ун тортадиган ва битта шоли оқлайдиган тегирмон ишлай бошлади. Булар айни пайтда ишсизларни иш билан таъминлаш, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини яхшилаш имконини бермоқда.

...Кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар ўтяпти. Аммо «Авангард» ширкат хўжалигида пухта ўйлаб тузилган режа ва тадбирлар босқичма-босқич изчиллик билан амалга оширилаётгани сабабли ҳар бир кун ўз самарасини бераётир. Шуни айтиш жоизки, ўтган тўрт ойда бажарилган ишларнинг ҳажми ва кўлами белгиланган тадбирларнинг албатта амалга оширилишидан, хўжаликнинг эса пировардида қаддини ростлаб олишдан далолат бераётир.

Рафиқ ТУРСУНОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ҲАМКОРЛИКНИНГ ОЙДИН ЙЎЛЛАРИ

ДЕМОКРАТИК ва ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан муваффақият билан олға бораётган Ўзбекистонимиз нуфузи кейинги пайтларда тобора ортиб бормоқда. Бундай ҳолатни республикамизнинг халқаро ҳамжамиятга фаол интеграциялашувида, қатор хорижий мамлакатлар билан ўрнатаётган иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий алоқаларида кўришимиз мумкин. Ўз навбатида кўпгина чет эл мамлакатлари кундан-кунга Ўзбекистонга қизиқишларини яққол намоён этмоқдалар. Сўнги кунларда бўлиб ўтган анжуманлар, мулоқотлар, тузилган шартномалар фикримизнинг далили бўла олади.

Яқинда Вашингтонда ўтказилган Америка — Ўзбекистон савдо палатасининг конференцияси кўпчиликнинг эътиборига тушди. Мазкур савдо палатаси 1993 йилда икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашиш ва Ўзбекистон иқтисодига Америка сармояларини жалб қилиш мақсадида тузилган эди. Айни пайтда ушбу палата мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ёки Ўзбекистонга эътибор билан қараётган 63 та Америка компаниялари ва хусусий ташкилотларини, шунингдек, етакчи ўзбек корхоналари ва иқтисодий идораларини бирлаштиради. «Боинг», «Уайт энд Кейс», «Кока-кола», «Катерпиллер», «Каргилл» ва бошқалар шулар жумласидандир. Навбатдаги конференция ишида АҚШнинг барча минтақаларидан 150 дан ортиқ компаниялар вакиллари иштирок этдилар.

АҚШ ва Ўзбекистон Президентлари Ислом Каримов ва Билл Клинтон анжуман иштирокчиларига табрик йўлладилар. «Ҳозирда давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик янги сифат босқичига ўтмоқда, — дейилади жумладан И. Каримов табригида, — бунга сиёсий, иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — АҚШ Қўшма комиссиясининг биринчи мажлиси замин яратди. Ушбу воқеани ҳақиқатдан ҳам америка-ўзбек муносабатларини ҳар томонлама ривожлантиришнинг яна бир тарихий даври бўлди, дейиш мумкин». Б. Клинтон табригида ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий муносабатларга юксак баҳо берилди. Савдо палатасининг конференциясида қатор маърузалар тингланди.

Айни пайтда Ўзбекистон

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ҳукумати билан Олмониянинг Фридрих Эберт номидаги жамғармаси ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битимнинг имзоланганлиги ҳам эътиборга лойиқдир. Зотан, Ўзбекистон билан Олмония ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда Олмониянинг ноҳукумат ва жамоатчилик ташкилотлари ҳам фаоллик қилаётирлар. Айниқса, Конрад Аденауэр, Гумбольд номидаги жамғармалар, Олмония университетлари ректорлари конференциялари, «ЭПОГ», «Олмония — Ўзбекистон» дўстлик жамияти катта саъй-ҳаракат кўрсатмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Фридрих Эберт номидаги жамғарма ўртасида ҳамкорлик битимининг имзоланиши икки томонлама манфаатли алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга бўлган интилишларни яна бир карра тасдиқлади.

Яқинда Англия пойтахтидан яна бир хушхабар келди. АҚШ ва Оврупо Иттифоқи «Демократияни ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги хизматлари учун» мукофотининг дастлабки совриндорлари номларини эълон қилди. Юз номзоддан элликтаси танлаб олинди. Улар орасида Ўзбекистондан «Журналистлар муаммоларини ўрганиш маркази» — «Илҳом» ҳамда «Сабр» ишонч маркази бор эди.

25 май куни Урдун Ҳошимийлар Қироллиги халқи ўз давлати мустақиллигининг 52 йиллигини кенг нишонлади. Маълумки ушбу давлат билан республикамиз ўртасида ҳам иқтисодий ва маданий алоқалар тобора тараққий этиб бормоқда. Шу муносабат билан Урдун давлатининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Валид Мажид Ас-Саад шундай деди: «Президент Ислом Каримов олиб бораётган ишлар салмоқлидир. Унинг бошқа давлатларга сафарлари амалий ва ижобий натижалар бермоқда. Шу боис мамлакатингизда барқарорлик ва хавфсизлик ҳукмронлик қилмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг жаҳонда обрў ва эътибори ўсиб бораётганлигини кўрсатмоқда».

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● РОССИЯДА шахтёрларнинг иш ташлашлари ҳамон пасаймаётир. Кончилар томонидан Анжеро — Суженск, Транссиб, Ростов — Шимолий Кавказ темир йўлларини ишғол қилиш урунишлари давом этмоқда.

● ПОКИСТОН президенти Рафиқ Тарар яқинда берган ўз баёнотида Ҳиндистон томонидан ядровий синовлар ўтказилганлигини яна бир бор қаттиқ қоралади. Лозим бўлса, биз бу «манманликка» муносиб жавоб берамиз, деди президент.

● ТУРКИЯ президенти С. Демерэл уч кунлик ташриф билан Киевда бўлди. Мазкур сафар чоғида Украина билан Туркия ўртасида ҳарбий ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

«МИНЕТЕХ-98 а»

ДОИМИЙ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги Республика бизнес-инкубатори билан биргаликда 26-30 май кунлари бўладиган «Ўзэкспомарказ» РСКМнинг 4-павильонида «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш бўйича ихчам ускуна ва минитехнологиялар» халқаро кўргазмани ўтказишга киришди.

Мазкур кўргазманинг асосий мақсади давлат кредитлари ва халқаро ташкилотларнинг кредит йўналишларидан тўла ва самарали фойдаланиш ҳисобига республикада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ёрдам бериш эканлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати бу тадбирга катта аҳамият бермоқда.

Ушбу кўргазмада жаҳоннинг 14 мамлакатидан 7 қўшма корхона ва 18 та хорижий фирмалар, жумладан, Олмония, Исроил, Швейцария, Болгария, Италия, Польша, Венгрия, Япония, Хитой, Туркия, Россия, Беларус ҳамда бошқа қатор мамлакатларнинг етакчи фирма ва компаниялари ускуна ва технологияларини намойиш этадилар.

Бу тадбирда корхона, ташкилот, вазирлик, муассаса, кичик ва ўрта бизнес, фермер ва деҳқон хўжаликлари вакилларига минизаводлар жиҳозлар комплекти, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб чиқарувчи автоматик линиялар, кичик нонвойхона, қандолатчилик цехлари, озиқ-овқат саноати учун жиҳозлар, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш қурилмалари, ирригация техникаси, озуқа тайёрловчи турли технологик қурилмалар, кимё саноати учун техник қурилмалар билан яқиндан танишиш имконияти берилади. Келгусида бу кўргазмани доимий ишлайдиган қилиб қолдириш режалари ҳам бор.

Кўргазма қатнашчиларининг сафи кенг бўлиб, улар «Ўзвинклер» Қк, «Ландтехник» Қк, «Мицуи и Ко ЛТД» компанияси, «Вено», «Технагри проект», «Экмасан», «Интермар», «Термоялитим» фирмалари, «Фудмаш лизинг» Қк, «Машимпекс» (Хитой) корпорацияси, Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўздавконцернмаш», «Чирчиққишлоқмаш», «Алгоритм», «Фотон», «Технолог» акционерлик жамиятлари, Трансферма технология агентлиги, Республика бизнес-инкубатори ва бошқа етакчи компаниялардан иборатдир.

Кўргазма очилишидан бир кун олдин бўлиб ўтган матбуот йиғилишида «Ўзэкспомарказ» РСКМ директори Б. Ирматов, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси раисининг ўринбосари Ю. Яковлев, товар ишлаб чиқарувчилар палатасининг раиси М. Собиров, Бизнес-фонд раиси А. Юсупов ва бошқалар журналистларни қизиқтирган саволларига жавоб қайтардилар.

Миржалол МИРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

Каратэ

ОРЗУЛАР ЧЎҚҚИГА ЕТАКЛАЙДИ

ЎЗБЕКИСТОН Каратэ миллий федерацияси ёшлар терма жамоаси йирик халқаро мусобақаларда иштирок этиб, 9 та олтин, 2 та кумуш медаллар соҳиби бўлишди. Яқинда Қозоғистон республикасининг Кентов шаҳрида бўлиб ўтган 13—14 ёшлилар орасидаги Каратэ до шатакан мусобақасида ҳамюртимиз, Зангиота туманидаги 25-ўрта мактаб ўқувчиси Саидазиз Бурхонов биринчи ўринни эгаллади. Унинг укаси Саидлазиз эса апрел ойида Одесса шаҳрида бўлиб ўтган IV халқаро «Тигренок — каратэ-98» мусобақасида иккинчи ўринни олишга муваффақ бўлди. Хонобод қишлоғилик Саидқосим билан Зарифахон умригузаронлик қилиб, тўрт фарзанднинг ота-онаси бўлишди. Болалик уй бозор, деганларидек, фарзандлари бир-бирини етаклаб, бўйсира бўлиб ўсишди. Ҳозир Шаҳлохон — ҳамшира, Камолахон — Тошкент ҳуқуқшунослик лицейининг толибаси, Саидазиз — 9-синфда, Саидлазиз — 6-синфда таҳсил олишмоқда.

Ўғил бола ўғил бола эканда, ерга урсангиз, кўкка сапчийдиган шўх, шаддод болакайлар бирдан қуйилиб, жиддий йигитчаларга айланиб қолишди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор эди, албатта. Болалар ўзаро келишиб, каратэ тўгарагига қатнашиш истагида ёнардилар, аммо оталари рухсат берармикин?

Кечқурун ҳамма нарса ойдинлашди, Саидқосим ака ўғилларининг спортнинг каратэ тури билан шуғулланишларига монелик билдирмади. Аксинча, уларнинг фикрини қўллаб-қувватлади. Шу-шу бўлди-ю, аввал Саидазиз, кейин Саидлазиз Тошкентдаги Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Олимпия» залида ташкил этилган каратэ тўгарагига қатнай бошлашди. Тинимсиз машқлар ўз самарасини берди. Ҳатто, оталари ҳам бу ажабтовур спорт турига қизиқиб қолди шекилли, тез-тез машқлар ўтадиган залга борадиган, мусобақаларда ҳозиру-нозир бўлиб, олдинги қаторда ўтирадиган одат чиқарди.

Спортнинг каратэ тури билан шуғулланадиган кишилар тартиб ва интизомга қатъий риоя қилишлари, ўзларини руҳий жиҳатдан чиниқтиришлари, абжирлик, чаққонлик каби ҳислатларни мужассамлаштирган бўлишлари шарт.

Ўтган салкам бир йил Саидазизга ҳам, Саидлазизга ҳам кўп нарсалар берди. Уларнинг бахтига Ўзбекистон Каратэ миллий федерацияси терма жамоаси бош мураббийси, жаҳон чемпиони Хўжақул Хўжамқулов ака-укани ўзи бошчилик қилаётган жамоага қабул қилди. Хўжақулнинг шогирдлари мана икки йилдирки, турли-туман халқаро мусобақаларда иштирок этиб, бир неча бор фахрли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлдилар. Риннат Кучиев, Фазлиддин Солиев, Фарҳод Аҳмеров, Рустам Тошназаров, ҳатто, етти ёшида Қозоғистон республикаси чемпиони бўла олган Теҳрон Саидов сингари иқтидорли ёш каратэчилар орасида ака-ука Бурҳоновларнинг ҳам ўзига хос ўринлари бор, албатта.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, куни кеча терма жамоанинг энг ёш аъзоси Саидлазиз Бурхонов болалар ва ўсмирлар ўртасидаги 1998 йилги Ўзбекистон биринчилигининг қумитэ баҳсида иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медал соҳиби бўлганлиги юқоридаги фикрларимизнинг далилидир.



Биз яқинда каратэ бўйича ёшлар терма жамоаси машқ қилаётган «Олимпия» залида бўлиб, машқларни кузатдик.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийси, каратэ бўйича 1996 йилги жаҳон чемпиони, қора белбоғ соҳиби Хўжақул ХЎЖАМҚУЛОВ шундай ҳикоя қилади:

— Каратэ республикамизда эндигина ривожланиб келаётган спорт турларидан биридир. Миллий федерациямизнинг ташкил этилганлигига икки йил бўлди, холос. Шунга қарамай, терма жамоамиз аъзолари асло бўш келишаётгани йўқ. Республикамизда ўтаётган барча мусобақаларда, Кентов, Одесса ва бошқа шаҳарларда бўлиб ўтган халқаро беллашувларда қатнашиб, совринли ўринларни олишга муваффақ бўлаяпмиз.

Федерациямиз раҳбарлари ишларимизга катта эътибор беришмоқда. Шу кунларда Брунес шаҳрида ўтадиган Осиё чемпионатида қатнашишга тайёргарлик кўряпмиз. Қўлга киритаётган муваффақиятларимизнинг бош омили фақат тинимсиз машқлар туфайли, руҳиятимизни чиниқтириш эвазига юзага келишини яхши биламиз.

Дарҳақиқат, ҳаёт йўлига ҳар ким ўзи очган сўқмоқдан чиқиб олади. Бу йўл қанчалик масъулиятли ва мураккаб бўлмасин, унда киши изланади. Қилаётган меҳнатининг самарасини кўрганда эса, қувончини яшира олмайди. Инсонни юксак-юксакларга парвоз қилдирадиган ҳам, қанчадан-қанча давонлардан олиб ўтадиган ҳам мана шу орзулардир.

Ака-ука Бурҳоновларнинг ҳам ягона орзулари ўзлари танлаган йўлдан оғишмай олға бориб, катта-катта ғалабаларни қўлга киритишдир. Биз ҳам бу йўлда уларга омад тилаймиз!..

Шавкат ҚУЛИБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.
СУРАТДА: ака-ука Саидазиз ва Саидлазиз Бурхоновлар.
Даврон АҲМАД олган сурат.

Футбол

«СЕҲРЛИ ТАЁҚЧА» ҚАЁҚДА?

ЁХУД ЯНА БИР «ДЎСТЛИК»...

КУНИ КЕЧА мамлакатимиз миллий чемпионатининг олий лигасида иштирок этаётган жамоалар 11-тур учрашувларини ўтказдилар. «Дўстлик» вакиллари ўз майдонида Қаршининг «Насаф» жамоасини қабул қилган бўлса, Бекободнинг «Металлург» жамоаси Бухорода маҳаллий «Бухоро» меҳмони бўлди.

Бу йилги чемпионатда аввалгиларидек иштирок эта олмаётган «Дўстлик» тобора очко улашувчи жамоага айланиб қолаётгани ишқибозларни ранжитмоқда. Қолаверса, «Дўстлик»ни ёқтирувчи мухлислар вилоятдан четда ҳам сероб, улар ҳам бу йил таркиби янгиланган жамоанинг харакатларидан ташвишда. Қаршиликлар билан бўлган учрашувга йиғилган 8 минг томошабиннинг кўнглидан «бугун ҳам ютолмаса-я», деган хавотир ўтгани аниқ.

Кутилганидек, VII миллий чемпионатда таркибини кучайтириб, унчамунча жамоаларни шошириб қўяётган «Насаф» вакиллари ҳам «бекор»га келмаганларини, мезбонлар ҳам бугунги ўйинда барибир ютишлари кераклигини кўрсатиб ҳаракат қилишди. 5-дақиқада жамоа сардори Абдуқаҳҳор Маъруфалиев қулай имкониятни қўлдан бой берди. 18-дақиқада эса маҳоратли ҳужумчи Фарид Ҳабибулиннинг омади қочди. Меҳмонлар асосан ҳимояда ҳаракатланишса ҳам, тез-тез ташкиллаштирган қарши ҳужумлари дарвозабон Вячеслав Сирота учун анча-мунча қийинчилик туғдириб турди. Айниқса, Рўзиқул Бердиқулов, Анвар Бердиевларнинг чиройли ҳаракатлари, ажойиб «финт»лари мухлисларда илиқ таассурот уйғотди. Қанча хавфли вазиятлар, қулай фурсатларнинг «қадрига етмаган» ўйинчилар танаффусгача ҳисобни очолмадилар — 0:0.

Иккинчи бўлимда мезбонларнинг устунлиги яққол сезила бошлади. Аммо Владимир Галянов ва Халиулинлар бошлаб берган ҳужумларни ниҳоясига етказувчи ўйинчи топилмади. Хабибулиннинг сўнгги палладаги зарбалари ноаниқ бўлди, Абдуқаҳҳорга эса қаттиқ «ёпишиб» олган ҳимоячи Мурод Отажонов фурсат бермади. Айни пайтда айтиш лозимки, бу ҳимоячининг кўпол ҳаракатлари қўзғолончимизга анча озор берди ва қакам уни сариқ карточка кўрсатиб жазолади. Шундай вазиятларнинг бирида меҳмонлар дарвозасига яқин жойда белгиланган жарима тўпини Фарҳод Мирсалимбоев жуда чиройли амалга оширди. Бироқ дарвоза чизиғининг ёнидан думалаб кетаётган тўпга Абдуқаҳҳорнинг ҳам, Фариднинг ҳам оёғи сал етмай қолди, акс ҳолда...

Учрашув ҳисоб очилмай ниҳояланди. Вакилларимиз яна икки қимматли очкодан айрилишди. Бу эса «жўжа санар» пайтда жамоа учун роса асқотиши тайин. Шу ерда ҳамманинг кўнглидан «Шацких бўлгандаю...» деган гап ўтгани рост. Зеро, «Сеҳрли таёқча»нинг вазифаси битта — гол уриш эди, холос.

11-турнинг марказий ўйини Фарғонада бўлиб ўтган «Нефтчи» — «Навбаҳор» учрашуви, деб қаралди. Унда мезбонлар 3:1 ҳисобида устун келдилар.

Қолган учрашувлар натижаси қуйидагича:

«Сурхон» — «Пахтакор» — 3:5, «Сўғдиёна» — «Хоразм» — 4:0, «Бухоро» — «Металлург» — 2:1, «Темирйўлчи» — «Зарафшон» — 2:0, «Андижон» — «Косонсой» — 0:0, «Трактор» — МҲСК — 6:1.

* * *

Биринчи лигада ҳам ўйин тобора қизиб бормоқда. Жадвалда ҳамон «Янгиер» жамоаси карвонбошилик қилмоқда. Янгиерликлар 12 учрашувдан 34 очко тўплашган. Чирчиқнинг «Кимёгар»и ҳам олий лигага асосий давогар эканини намоён этиб, ўйин кўрсатяпти. Вакилларимизнинг «Самарқанд» жамоаси билан очколари тенг бўлса ҳам (24), тўплар нисбати анча яхши 34:3. Ўтган сафар Фарғонанинг «Тўқимачи» жамоасини 6:0 ҳисобида енган чирчиқликлар 12-турда Марғилон шаҳрининг «Атласчи»сини ўз майдонида накд 7 та жавобсиз тўп билан «сийлади». Кейинги турда «Кимёгар» «Лочин» жамоаси майдонида меҳмон бўлади.

12 тур натижалари:

«Хива» — «Машъал» — 3:0, «Урганч» — «Қизилқум» — 3:1, «Шўрчи» — «Лочин» — 5:2, «Шўртан» — «Истиқлол» — 2:1, «Ситора» — «Самарқанд» — 1:3, «Орол» — «Чилонзор» — 2:0, «Шаҳрихон» — «Гулистон» — 3:0, «Цементчи» — «Янгиер» — 0:1.

А. РАИМОВ,
«Тошкент ҳақиқати» спорт шарҳловчиси.

Янги фильмлар премьераси

«МИХ»

Республика киночилар уйида «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган янги «Мих» мультфильми премьераси бўлди.

Режиссёр М. Маҳмудов ва сценарий муаллифи Р. Рамазоновнинг Шарқ эртаклари асосида яратган янги асарида бир камбағал қўшниси очкўз бойни қандай алдагани ҳақидаги қизиқарли воқеа чиройли суратларда жонланади. Ҳасадгўй Турсунбой қўшниси Саиднинг оқ эшагини тортиб олади. Саид эса, топқирлиги туфайли, унинг барча бойликларига эга бўлади. Бунда унга эски уйнинг деворига қоқиб қўйилган оддий мих ёрдам беради.

«ҚАНОТ ПАРВОЗДА ТОБЛАНАДИ»

Республика киночилар уйида «Қанот парвозда тобланади» ҳужжатли фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

Фильм «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси фаолияти, унинг халқлар дўстлиги, мамлакатлар ўртасида маданий алоқаларни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси тўғрисида ҳикоя қилади. Унинг сценарийси муаллифи Ш. Зайниддинов, режиссёр А. Акбарҳўжаев, А. Исмоилов тасмага туширган. «Ўзкинохроника» студияси маҳсули бўлган бу асар томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

(ЎзА)

Кутлов ўрнида

КАМТАР ҚАЛАМКАШ

ХОНАМИЗ эшиги секин тақиллади-да уни оҳиста очиб «Ассалому алайкум, қадрдонларим», деб ҳамқасбимиз Зиёвуддин ака кириб келди. Юзида уни тарк этмайдиган майин табассуми. Ҳаммамиз билан самимий кўришди.

— Биласиз-ку, шу газета жойлашган бино ёнидан қачон ўтмай оёқларимнинг ўзи мени беихтиёр шу ёққа бошлайди, — деди у қандайдир билинар-билинмас ички ҳаяжон ва ғурур билан. — Ахир мен бу газета, унинг жамоасидан умрбод қарздорман. Шу қутлуғ даргоҳ қўлимга қалам ушлашни ўргатди. Доно халқимизнинг бир кун туз ичган жойингга қирқ кун салом қил, деган пурмано мақоли бор. Мен эса «Тошкент ҳақиқати»нинг тузини бир кун эмас, балки, беш йилдан ошиқроқ вақт давомида ичдим...

Бу одамнинг исм-шарифлари Зиёвуддин Орипов... У Педагогика институтини тугатгач, мактабда ишлай бошлади, ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди. Ўз касбини улуғлашга астойдил ҳаракат қилди, ўқувчиларда ўзбек халқи тили ва адабиётига чуқур меҳр уйғотишга интилди.

Айни вақтда Зиёвуддин ака анча-мунча қалам ҳам тебратиб турди. Ҳаётни кузатувчан эди, унинг кўпчилик эътибор бермайдиган икир-чикирларига ҳам бефарқ қарамасди, уларга қизиқиш билан қарарди. Бунинг натижасида ҳаётдан олинган лавҳалар битишга ўрганиб борди. Ўзининг дастлабки шундай лавҳалари, мактаб ҳаёти, ўқувчиларнинг таълим-тарбиясига оид мақола-хабарлари билан газеталар саҳифаларида кўрина бошлади. Шу-шу Зиёвуддин акада матбуотда ишлаш истаги кучайиб борди. Орадан кўп ўтмай унинг бу нияти амалга ошди.

1959 йилдан бери у республикамиз турли матбуот органларида ишлаб келмоқда. Қаламкаш сифатида дастлабки қадамларини «Тошкент ҳақиқати» газетасида бошлади. Табиатан ювош, камсуқум, кичкинаю каттага бир хил муомалада бўладиган, доим сизлаб гапирадиган Зиёвуддин ака тез орада жамоанинг барча аъзолари билан тил топишиб кетди. Таҳририятда қайси вазифада ишлашни лозим кўришса, ҳаммасига «лаббай» деб жавоб берди, йўқ демади. Бу ерда ишлаган беш-олти йил давомида қаламини чархлашга ҳаракат қилди. Кўплаб ҳаётий мақолалар, лавҳалар ёзди, улар газетхонларга маъқул бўлди.

Кейинчалик педагог ижодкорни «Ўқитувчилар газетаси»га таклиф қилишганда уни бажонидил қабул қилди. Асли касби ўқитувчилик бўлгани учун ҳам янги жамоада тезда қовушиб кетди. Дастлаб бир неча йил мухбир бўлиб ишлади. Ўз вазифасига сидқидилдан муносабатда бўлган қаламкаш орадан кўп ўтмай бўлим мудирлигига кўтарилди. Бу таҳририятдаги хизматлари муносиб тақдирланди — «Халқ маорифи аълочиси» нишони билан мукофотланди.

Камтар қаламкашнинг кейинги журналистик фаолияти «Қишлоқ» ҳақиқати» газетаси таҳририятида давом этди. Бу даргоҳда 16 йилдан ортиқ турли лавозимларда ишлади. Шу ердан уни ҳурмат-эҳтиром билан нафақага кузатишди. Ёшлигидан суяги меҳнатда қотган Зиёвуддин ака бекор юролмади. Орадан икки йил ўтгач уни янги нашр этила бошлаган «Ўзбекистон автомобилчиси» газетаси таҳририятига таклиф қилдилар. Ҳозир бу ерда етакчи мухбир бўлиб ишлаб келмоқда.

Айни вақтда Зиёвуддин ака оиласи истиқомат қилаётган Собир Раҳимов тумани «Ҳовуз бўйи» маҳалласи оқсоқоллар кенгашига раислик ҳам қилмоқда. Маҳаллада бўладиган барча тўй-томошалар, маъракаларга бош-қош бўлмоқда.

Зиёвуддин ака бугунга келиб пиру бадавлат оилага бошлиқ, меҳнатсевар тўрт фарзанднинг отаси, ширидан-шакар 11 нафар неварани суюкли бобоси. Биз ҳақиқатчилар ҳам устоз қаламкаш дўстимизни кўпдан кўп ҳамкасблари, таниш-билишлари, маҳалладошлари қаторида қутлуғ ёши билан чин қалбдан қутлар эканмиз, унга доимо баҳорий кайфият ошно бўлишини истаймиз, ҳеч вақт чарчаманг, доим бардам ва саломат бўлинг Зиёвуддин ака, деймиз.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

ШОИРНИ ХОТИРЛАБ

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши биносида буюк поляк шоири Адам Мицкевич таваллудининг 200 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказилди. «Ўзбекистон — Польша» дўстлик жамияти ва пойтахтда фаолият кўрсатаётган «Полония» польяк маданий маркази томонидан ташкил этилган бу тадбирда кўпгина шеърият мухлислари қатнашди.

Сўзга чиққанлар шоирнинг юксак инсонпарварликни улуғловчи асарлари барча халқлар учун бирдек қадрли эканини, шу боис Польшада бу йил Адам Мицкевич йили деб эълон қилинганини таъкидладилар. Кечада адибнинг шеърлари янгради.

Хотира кечасида Польшанинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Богуслав Качински иштирок этди.

(ЎзА).

ОБ — ҲАВО

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, 28-31 май кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво мўътадил бўлади. Дастлабки кунларда айрим туманларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши эҳтимоли бор. Иссиқлик ҳарорати кечалари 12-17, кундуз кунлари 25-33 даражага етади.

ДИҚҚАТ: КИМ ОШДИ САВДОСИ!

Тошкент вилояти Давлат мулк қўмитаси ва РКМБнинг Тошкент вилояти кўчмас мулк биржаси филиали билан биргаликда 1998 йил 12 июнь ва 19 июнь кунлари Ким ошди савдосини ўтказади.
САВДОГА ҚУЙИДАГИ ЕР МАЙДОНЛАРИ ҚЎЙИЛАДИ:

№	сони	сони	бошланғич нархи	ер майдони кв.(метр)
1.	Паркент шаҳридаги Бурсилик массивида жойлашган N7, 14-26 рақамли ер майдонлари	14	51852	600
2.	Хисарак қўрғонидаги Ертепа маҳалласида жойлашган N1, 2 рақамли ер майдонлари	2	24360	600
3.	Хисарак қўрғонидаги Янгиқуёш маҳалласида жойлашган N18а, 18б рақамли ер майдонлари	2	24360	600
4.	Заркент қўрғонидаги N1-10 рақамли ер майдонлари	10	16340	400
5.	Бойқозон марказий қўрғонида жойлашган N 1-20 рақамли ер майдонлари	20	16240	400
6.	Гулбоғ марказий қўрғонида жойлашган N 1-20 рақамли ер майдонлари	20	16340	400
7.	Оҳангарон шаҳридаги саноат зонасида жойлашган 18-кўчма механизациялашган колоннанинг N 1, 2 рақамли ер майдонлари	2	30450	500

Савдолар Паркент тумани ҳокимлиги биносида 1998 йил 12 июнь куни соат 11.00 да бошланади.

* * *

ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНИДА САВДОГА ҚЎЙИЛГАН ЕР МАЙДОНЛАРИ.

1.	Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг 6-бригадасида жойлашган N 76-111 рақамли ер майдонлари	36	23200	400

Ким ошди савдолари Ўртачирчиқ тумани ҳокимлиги биносида 1998 йил 19 июнь куни соат 11.00 да бошланади.

Собир Раҳимов туманидаги «Саҳроб» масъулияти чекланган савдо-ишлаб чиқариш фирмаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида қабул қилинади. Тел. 40-29-56.

Собир Раҳимов туманидаги «МННК» масъулияти чекланган жамият
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида қабул қилинади. Тел. 40-57-14.

Собир Раҳимов туманидаги «Раҳима-Ободон» масъулияти чекланган жамият
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида қабул қилинади. Тел. 40-11-97.

Чиноз туманидаги Собир Раҳимов номли 19-ўрта мактаб томонидан 1995 йилда Қўшимов Равшан Нурмуҳаммедович номига берилган 065725 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов туманидаги «Саховат кошонаси» хусусий фирмаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида қабул қилинади. Тел. 40-29-56.

Собир Раҳимов туманидаги «Садаф ЛТД» хусусий корхонаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида қабул қилинади. Тел. 40-11-97.

Юнусобод туманидаги «АЛП ЖАМОЛ» маъсулияти чекланган жамиятнинг йўқолган № 1 рақамли декларант штампи
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент вилояти ҳокимлиги Янгийўл туманидаги «Тинчлик» жамоа хўжалигининг собиқ раиси, меҳнат фахрийси Маҳмуд Исматовга умр йўлдоши **Лазоой ИСМАТОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги «Тинчлик» жамоа хўжалиги бошқаруви фахрий раис Маҳмуд Исматовга рафиқаси **Лазоой ИСМАТОВА**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Пахтабанкнинг Тошкент вилояти бошқармаси Гулбаҳор бўлими бошқарувчиси Р. Ҳатамовга онаси **МАРҲАМАТ ава**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Божхона бекати

ҲУШЁРЛИК АСОСИЙ МЕЗОН

...«Ўзбекистон» божхона масканининг катта нозири Ҳусанбой Айдашев эрталаб навбатчиликни эндигина қабул қилиб олган эди. Бир оздан сўнг оқ рангли «ТИКО» машинасининг божхона пости яқинидан у ёқ-бу ёққа тез-тез ўтиб, қайтиши унинг диққатини тортди. Бирор муҳим иши бўлмаса, бундай зир югурмаслиги аён? Ҳусанбой шериги — нозир А. Комилов билан бояги «ТИКО» бурилган айланма йўл томонга жўнади. Узоқдан оқ машина «етови»даги «КаМАЗ» шитоб билан Қозоғистон томонга кетяпти. Юк машинасини қуриб етган божхона ходимларининг тўхташ ҳақидаги талаби жавобсиз қолди.

«КаМАЗ» тезликни пасайтирмаган ҳолда чегарадан ўтишга уринарди. Ниҳоят, энг қатъий чоралар билангина юк машинаси тўхтатилди ва божхона масканига қайтарилди. Ҳайдовчи ва юк эгаси аввалига «катта жойда» ишловчи қандайдир танишлари-ю, акаларини рўкач қилиб, божхона ходимларини қўрқитишга, сўнг эса яхшиликча «келишиб олиш»га уринардилар.

Марказдан рация орқали берилган чақирувга биноан, тезда божхона экспертиза-лабораторияси бошлиғи Абдуғофир Ҳамроқулов ва суриштирув бўлимининг бошлиғи Садриддин Сулаймоновлар етиб келишди. Машинага ҳеч қандай ҳужжатсиз 5 тоннага яқин мева шарбатлари юкланган экан.

Ҳамкасблари Ҳусанбой Айдашевни ҳалол, малакали ва тажрибали божхона ходими сифатида тилга оладилар. Тўғри, Ҳусанбойнинг бу соҳада хизмат бошлаганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. У 1996 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университетини битириб, вилоят божхона бошқармасида хизмат фаолиятини бошлаган эди. «Ўз касбининг туғма устаси» — Ҳусанбой Айдашевга нисбатан ҳеч эътирозсиз ана шундай таъриф бериш мумкин. Бунинг исботи сифатида у «Гиштқўприк» божхона масканида хизматни эндигина бошлаган чоғидаги воқеани эслаш ўринлидир.

...Ўшанда вақт кеч соат 18 лар эди. Божхона пости ҳудудига кириб келган «МАЗ» юк автоуловининг эгалари «шошиб кетаётганликлари» сабабли, ҳужжатларни тезда расмийлаштиришни илтимос қилишди. Автоуловдаги юкларнинг тури ва сони кўрсатилиши шарт бўлган Т-6 баённомани тўлдириш пайтида юк эгасининг қўлларидаги титроқ аниқ сезилиб турарди. Машинани текшириш чоғида эса юкхона «махсус» икки бўлмага ажратилганлиги маълум бўлди. Хўш, фанер билан тўсиб, брезент билан пухта ёпилган иккинчи қисмда нима бор?

Ҳусанбойнинг бу саволига ҳайдовчи шошиб: ҳеч нарса, у томон бўш, дея жавоб берди. Божхона ходимининг ўзи юкхонани очмоқчи бўлганида, ҳайдовчи энди астойдил ялинишга ўтди. Ўзингиз ўйланг, агар ҳамма ишлари қонуний бўлса, ялинишга не ҳожат?

Хуллас, аниқланишича, машинанинг «яширин» бўлмасига умумий нархи бир ярим миллион сўмлик бўлган салкам 6 тонна тоза спирт беркитилган экан. Баённомани тўлдириш чоғидаги титроққа сабаб бўлган «матоҳ»нинг сири шу тариқа ошкор бўлди...

Юқоридагилар — Тошкент вилояти божхона бошқармасига қарашли «Ўзбекистон» божхона маскани катта нозири Ҳусанбой Айдашев фаолиятидан айрим лавҳалар, холос.

Ботир ҲУСАНБОЕВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-06. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Порошкина Алёна. Адади 12.344 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6